



## Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир нарсани эслаб: «Бу, илм кўтарилган пайтда бўлади»

Зиёд ибн Лабид разияллоҳу анҳу айтди: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир нарсани эслаб: «Бу, илм кўтарилган пайтда бўлади», - дедилар. Мен: «Ё Расулуллоҳ, биз Қуръон ўқиб, Қуръонни ўқилларимизга ўқитсак, ўқилларимиз ўқилларига Қиёмат кунигача ўқитишса, илм қандай қилиб кўтарилади (олиб кўйилади)?», - деб савол бердим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Яшшамагур, Мен сени Мадинадаги аъламлардан бири деб биламан. Яҳудий ва насронийларнинг Таврот ва Инжилни ўқиб, улардаги нарсаларга риоя қилмаётганларини кўрмаяпсанми?!», - дея жавоб бердилар.

[Саҳиҳ лифойриҳ] [Ибн Можа ривояти]

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалари орасида ўтирган пайтларида: «Бу, одамлардан илм кўтарилган ва тортиб олинган пайтда содир бўлади», - дедилар. Зиёд ибн Лабид разияллоҳу анҳу бундан ҳайратга тушиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга савол бердилар. «Қуръонни ўқиган ва ёдлаган бўлсак, бу илм биздан қандай тортиб олиниши ёки йўқолиши мумкин? Ахир биз Қуръонни тинмай ўқияпмиз, рафиқаларимизга, фарзандларимизга, фарзандларимиз набираларимизга ўқитишяпти-ку?!», - деди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Зиёд, яшшамагур, Мен сени Мадинанинг энг аъламлиридан бири деб биламан!", - дедилар. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам илмнинг йўқолиши, Қуръоннинг йўқолиши эмаслиги, балки, илмга амал қилмаслик туфайли йўқолишини баён қилдилар. Зеро, Таврот ва Инжил яҳудий ва насронийлар қўлида бўлсада, уларга фойда бермади. Улар бу икки китобнинг ғояси - улардан ўрганган нарсаларига амал қилмаганлари учун, фойдалана олмадилар.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/65045>

